

Имомлари иттифок қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифок қилган ҳадислар / 210-ҳадис

210 - عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تَمَتَّعْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحِجَّةِ، وَأَهْدَى، فَسَاقَ مَعَهُ الْهُدَى مِنْ ذِي الْحِلْقَةِ، وَبَدَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَهْلَلَ بِالْعُمْرَةِ، ثُمَّ أَهْلَلَ بِالْحِجَّةِ، وَتَمَتَّعَ النَّاسُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحِجَّةِ، فَكَانَ مِنَ النَّاسِ مَنْ أَهْدَى، فَسَاقَ الْهُدَى، وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ يُهْدِ، فَلَمَّا قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ، قَالَ لِلنَّاسِ: «مَنْ كَانَ مِنْكُمْ أَهْدَى، فَإِنَّهُ لَا يَحْلِلُ مِنْ شَيْءٍ حَرُومَ مِنْهُ، حَتَّى يَقْضِيَ حَجَّهُ، وَمَنْ لَمْ يَكُنْ مِنْكُمْ أَهْدَى، فَلْيَطُوفْ بِالْبَيْتِ وَبِالصَّفَا وَالْمَرْوَةِ وَلِيَحْلِلْ، ثُمَّ لِيُهْلَلَ بِالْحِجَّةِ وَلِيُهْدِ، فَمَنْ لَمْ يَجِدْ هَدِيًّا، فَلِيَصُمِّ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ فِي الْحِجَّةِ، وَسَبْعَةً إِذَا رَجَعَ إِلَى أَهْلِهِ»، وَطَافَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ قَدِمَ مَكَّةَ، فَاسْتَلَمَ الرُّكْنَ أَوَّلَ شَيْءٍ، ثُمَّ حَبَّ ثَلَاثَةَ أَطْوَافٍ مِنَ السَّبْعِ، وَمَشَى أَرْبَعَةَ أَطْوَافٍ، ثُمَّ رَكَعَ، حِينَ قَضَى طَوَافَةَ الْبَيْتِ عِنْدَ الْمَقَامِ كُعَتَّبِينِ، ثُمَّ سَلَّمَ فَانْصَرَفَ، فَأَتَى الصَّفَا، فَطَافَ بِالصَّفَا وَالْمَرْوَةِ سَبْعَةَ أَطْوَافٍ، ثُمَّ لَمْ يَحْلِلْ مِنْ شَيْءٍ حَرُومَ مِنْهُ، حَتَّى قَضَى حَجَّهُ، وَخَرَّ هَدِيًّا يَوْمَ النَّحْرِ، وَأَفَاضَ، فَطَافَ بِالْبَيْتِ، ثُمَّ حَلَّ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ حَرُومَ مِنْهُ، وَفَعَلَ مِثْلَ مَا فَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، مَنْ أَهْدَى وَسَاقَ الْهُدَى مِنَ النَّاسِ.

[خ 166، م 1227، ت 818، س 2659، د 1771، جه .] [2916]

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида умрани ҳажга қүшиб баҳраландилар. Ҳадий атаб, ўша ҳадийни Зулхулайфадан ҳайдаб бордилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал умра учун, сўнг ҳаж учун эҳром боғладилар. Одамлар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

vasallam билан бирга умрани ҳажга қўшиб, баҳраланишди. Одамлар орасида ҳадий атаб, уни ҳайдаб келганлар ҳам, ҳадий атамаганлар ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага кириб келганларида одамларга: «**Сизлардан ким ҳадий атаган бўлса, ҳажини адо этмагунича ўзига тақиқланган нарсаларнинг бирортаси унга ҳалол бўлмайди. Сизлардан ким ҳадий атамаган бўлса, у Байтни ва Сафо-Марвани тавоф қилсин, сочини қисқартирсин ва эҳромдан чиқсан! Кейин (вақти келганда) ҳажга эҳром боғласин ва ҳадий атасин. Ким ҳадий топа олмаса, ҳажда уч кун, уйига қайтганида етти кун рўза тутсин», дедилар.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага кириб келган заҳоти (Каъбани) тавоф қилдилар ва энг аввал рукнни истилом қилдилар. Кейин учта тавофни рамл қилиб, тўртта тавофни оддий юриб адо қилдилар. Байтни тавоф қилиб бўлгач, Мақом олдида икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнг салом берив, уни тугатдилар. Сафога келиб, Сафо ва Марвада етти марта саъи қилдилар. Кейин то Наҳр куни ҳажларини тамомлаб, ҳадийни бўғизламагунларича у зотга тақиқланган нарсаларнинг бирортаси ҳалол бўлмади. Сўнг қайтиб тушиб, яна Байтни тавоф қилдилар. Шундан сўнг у зотга тақиқланган барча нарсалар ҳалол бўлди. Ҳадий атаб, етаклаб келган одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилган бўлсалар, шуни қилишди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

